



Маҳорат Дарси-Ўқитиш Ва Тажриба Алмашишнинг Интерфаол Шакли

Кодирова Ш. А.

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор хорижий педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу нуқтаи назардан чет эллик етук мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар, маҳорат дарсларни ташкил этиш амалий аҳамиятга эга. Маҳорат дарси-ўқитиш ва тажриба алмашишнинг интерфаол шакли бўлиб, у тренинг ва анжуман форматини бирлаштиради.

Калит сўзлар: маҳорат дарси,устоз-ўқитувчи,маҳорат дарси алгоритми.

Долзарблиги:Таълим тизими тузилишидаги кенг қамровли ислоҳотларни ўқитувчилар илғор замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустаҳкамлайди. Бунинг учун педагоглар ўқув жараёнига технологик ёндашувни ўрганиб, қўллаган ҳолда ёндашишлари талаб этилади. Инновация амалиёт назариянинг муҳим бир қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Инновация педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув жараёнига кириб келиши, шунингдек,ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир педагог-ўқитувчи ўз касбий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини ривожлантириб боришини талаб этади. Педагог ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, таълим жараёнига қадам қўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар,педагогик маҳорат,педагогик маданият ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ -2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг 1- банди бўйича белгиланган вазифаларда “ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш “[1] кабилар кўрсатилган. Бу борада республикамызда олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар билан бир қаторда хориж мамлакатларининг замонавий, илғор технологияларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.Бунинг учун эса чет эллик етук мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар, маҳорат дарсларни ташкил этиш амалий аҳамиятга эга[6].

Маҳорат (мастер класс) дарси-ўқитиш ва тажриба алмашишнинг интерфаол шакли бўлиб, у тренинг ва анжуман форматини бирлаштиради.

Мастер-класс - (инглиз тилидан: мастер - ҳар қандай соҳада энг зўр + синф - дарс, дарс) - касбий даражани ошириш ва алмашиш мақсадида турли усуллар ва технологиялар бўйича

амалий кўникмаларни амалиётга татбиқ этиш учун ўқув семинарини ўтказишнинг замонавий шакли. илғор тажрибалар билан ўзаро алмашинув, маҳорат дарси иштирокчилари дунёқарашларини кенгайтириш ва билимларини энг сўнгги ютуқлар билан таништириш орқали чуқурлаштириш ҳисобланади.

Биринчи бор қадимги Юнонистондаги софистларнинг ўқитиш усулларини мастер класснинг дастлабки шакли деб ҳисоюлаш мумкин. Софистларнинг ўз маҳоратини талабаларга омма олдида намойиш этиши ва унинг ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўзаро чиқишларини батафсил ўрганиш билан бирлаштирилганди.[2]. 1869 йилда Веймарда мастер-класс ўтказган Франс Лист [3] эса замонавий шаклда маҳорат дарсининг асосчиси сифатида тан олинади.

Классик **маҳорат (мастер класс)** дарси ўз ичига қуйидагиларни олади [4]:

1. Мутахассиснинг ўз маҳоратини ёки муаммони тушунганини амалий шаклда намойиш этиши. Магистр маслаҳатчи сифатида ишлайди, ўқув ишларини ташкил этишга, ижодий фаолиятни янги, юқори даражада тушунишга ёрдам беради. Тренинг ёки семинардан фарқли ўларок, маҳорат дарси одатда ўзининг касбий малакасини янада бойитиш учун керак бўлганлар учун ўтказилади
2. Мутахассис назорати остида тингловчини малакани эгаллаш бўйича фаол ишларга жалб этиш.
3. Устоз ва унинг тингловчилари ўртасидаги мулоқот жараёнини идрок этувчи кенг аудиториянинг мавжудлиги, бу жараёнга саволлар бериш ва тушунтиришларни талаб қилиш орқали аралаштириш мумкин.

Педагогик маҳорат дарсларининг эса учта асосий тури мавжуд [5]:

- **Педагогик тажрибани тақдим этиш:** тақдим этилаётган тарбия ёки таълим технологиясининг асосий ғоялари қисқача тавсифланади, ишнинг аниқ намунаси кўрсатилади (дарс ёки синфдан ташқари машғулот шаклида), ўқитувчи фаолиятидаги муаммолар ва истиқболлар тингловчилар билан муҳокама қилинади.
- **Тақлид ўйини:** ўқитувчи ўқувчилар ўрнини эгаллаган, бир вақтнинг ўзида иккита рол ўйнайдиган иштирокчилар билан машғулот ўтказилади.
- **Моделлаштириш:** иштирокчи-ўқитувчилар мутахассис томонидан таклиф қилинган дарс технологияси жараёнида дарснинг ўз моделини лойиҳалаш бўйича мустақил ишларни бажарадилар. Маҳорат дарсини ўтказувчи мутахассис маслаҳатчи сифатида ишлайди; у фақат тингловчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилади, кейин эса дарс давомида яратилган муаллифлик моделларини муҳокама қилишда иштирок этади .
- **Маҳорат дарси-ўқитиш** ва тажриба алмашишнинг интерфаол шакли бўлиб, у тренинг ва анжуман форматини бирлаштиради.
- **Мақсад:** касбий соҳадаги янгиликлар услубини яратиш ва ўзлаштиришни таъминлаш, маҳорат дарси ўқитувчисининг методик ёндашувлари ва маҳорат дарси дастурида белгиланган муаммони ечиш усулларини биргаликда ишлаб чиқиш.

Маҳорат дарсининг вазифалари- педагогик фаолиятнинг ҳаракатлари, усуллари ва шакллари кетма-кетлигини бевосита ва шарҳлаб кўрсатиш орқали уста ўқитувчи тажрибасини ўтказиш, ўрганиш.

Маҳорат дарслари мавзуларига қуйидагилар киради: ҳозирги замон муаммолари ва технологиялари ҳақида умумий маълумот, технологиялардан фойдаланишнинг турли жиҳатлари ва методлари, муаллифлик усуллари, технологияларни амалиётда қўллаш ва бошқалар.

Маҳорат дарси технологияси **алгоритми**:устоз ўқитувчи томонидан педагогик тажрибани тақдим этиш, ўқув машғулоти тизимини тақдим этиш, имитацион ўйин ўтказиш, моделлаштириш, рефлексия (акс эттириш) [4]:

1. Устоз ўқитувчи томонидан педагогик тажрибани тақдим этиш:

- технологиянинг асосий ғояларини қисқача тавсифлайди;
- ишдаги ютуқларни тавсифлайди;
- технология самарадорлигини кўрсатувчи иштирок этувчилар фаолияти самарадорлиги исботланади;
- устоз ўқитувчи фаолиятидаги муаммо ва истиқболлар аниқланади.

2. Ўқув машғулоти тизимини тақдим этиш :

- тақдим этилган технология режимида ўқув машғулоти тизими тавсифланади;
- устоз-ўқитувчи иштирокчиларга кўрсатадиган асосий иш усуллари аниқланади.

3. Имитацион ўйин ўтказиш :

- устоз-ўқитувчи иштирокчилар билан самарали ишлаш усуллари кўрсатиб, улар билан тренинг машғулотларини ўтказади;
- бир вақтнинг ўзида тингловчилар иккита рол ўйнайдилар: иштирок этувчи ва мутахассис сифатида иштирок этишади.

4. Моделлаштириш:

- ўқитувчи- иштирокчилар устоз-ўқитувчи технология режимида ўқув дарсининг ўз моделини тузиш бўйича мустақил ишларни бажарадилар;
- устоз-ўқитувчи маслаҳатчи ролини бажаради, иштирокчиларнинг мустақил ишини ташкил қилади ва бошқаради;
- устоз-ўқитувчи иштирокчилар билан биргаликда тренингнинг муаллифлик моделларини муҳокама қилади.

5. Рефлексия: (акс эттириш)

– устоз-ўқитувчи ва иштирокчилар биргаликдаги фаолияти натижалари бўйича муҳокама вва таҳлил қилишади.

Маҳорат дарси давомида иштирокчилар маҳорат дарси мавзусига оид ишланмаларни ўрганишади; олинган натижаларни муҳокама қилишда иштирок этишади, саволлар беришади ва маслаҳатлар олишади.

Маҳорат дарси технологиясида **асосий нарса** - бу ахборот алмашиш ва ўрганишгина эмас балки, ўзлаштирилиб, амалда қўлланилаётган усуллар ёки технологияларни узатиш ҳисобланади.

Хулосалар :

1.Самарали ишлаш усуллари етказиш маҳорат дарсини ўтказаётган устоз учун энг муҳим вазифалардан биридир.

2.Мавзунинг долзарблиги ва илмий мазмуни ва ўқитиш методларига одатдаги анъаналардан ташқарига чиқадиган янги ғоянинг мавжудлиги ҳамда қодирлиги эса касбий таълимни такомиллаштириб, амалий кўникмаларни янада бойитади.Бундай таълим иккала субъектнинг интеллектуал ва касбий имкониятларини кенгайтиришдан қониқишни ва самарадорлигини ҳосил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Lex.uz
2. Гомперц Т. Греческие мыслители. Мн.: Харвест. 1999. Т. 1. С. 422—446.
3. Бобряшова О. В. Мастер класс и творческая мастерская как педагогические технологии обучения будущих дизайнеров. Вестник ОГУ № 11 (130) 2011. С. 169—175.
4. Русских Г. А. Мастер-класс - технология подготовки учителя к творческой профессиональной деятельности. Методист. 2002, № 1. С. 38.
5. Организатсия и проведение мастер-классов.Методические рекомендатсии. Сост. А. В. Машуков. Челябинский институт переподготовки и повышения квалификации работников образования, 2007.
6. Kodirova Sh.A. Xodjanova Sh.I SIMULYATSION TA'LIMNING AMALIY MASHG'ULOTLARDA ANAMIYATI. Сборник международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы диагностики и лечения внутренних болезней». Стр.152-154 г.Фергана 18.мая 2022 г